



ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЕТАКЧИЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг
Миср Араб Республикаси Президенти
Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан 27 март куни ўтган
телефон орқали мулоқотида олий даражада
эришилган келишувлар ижросининг таҳлили
батафсил кўриб чиқилди.**

Ўзбекистон ва Миср етакчилари суҳбатни муборак Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирини самимий қутлашдан бошлаб, дўст халқларимизга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванқ тиладилар.

Икки мамлакат етакчи компанияларининг энергетика, тоғ-кон, чарм ва заргарлик тармоқлари, соғлиқни сақлаш ва телекоммуникация соҳалари каби йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун фаол мулоқотларни давом эттириш ва қулай шароитларни шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда икки томонлама Ҳўкуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 март куни инвестиция, экспорт
ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити самарасида сўнгги йилларда чет эл корхоналари 5 мингтадан 16 мингтага кўпайди. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди.

Экспорт қилувчи корхоналар сони беш йилда 4 минг 500 тадан 7 минг 200 тагача кўпайди. Экспорт қилинаётган маҳсулот турлари ҳам 1 минг 500 тадан қарийб 3 мингтагача ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага етди. Тайёр маҳсулот экспорти 2 бараварга, уларнинг товарлар экспортидаги улуши 50 фоиздан 65 фоизга ошди.

Бу суръатни изчил давом эттириб, жорий йилда қарийб 11 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Худудларда 23 миллиард долларлик 12 мингта янги лойиҳа, шу жумладан, 3 мингдан зиёд саноат лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган.

Энди уларни амалга ошириб, халқ манфаатига йўналтириш керак.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишлар юзасидан ҳисобот берди. Йил бошидан 764 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилгани, 1 минг 300 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилгани қайд этилди. Экспорт 3 миллиард долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари бу натижалар етарли эмаслигини, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият-

да икки қарра кўпроқ ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлади.

Усуналарни олиб келиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда логистика масалалари кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Бу ҳолатда хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳам қийинлашмоқда. Аниқ лойиҳалар ва инфратузилма масаласи ҳам долзарб.

Шу боис Президентимиз ишга тушадиган лойиҳалар ижросини худудлар ва тармоқлар кесимида кунлик назорат қилиб, муаммоларни ҳал қилиб бориш зарурлигини таъкидлади. 304 та йирик ва 3 мингта худудий лойиҳалар ишга туширилиши натижасида шу йилнинг ўзига 10 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 200 миллион долларлик экспорт қилиш имкониятлари мавжуд.

Ташқи бозорларни доимий таҳлил қилиб, янги бозорларни ўзлаштириш, янги транспорт йўлакларини топиш бўйича кўрсатмалар берилди. Рақобат кучайиб бораётган айтиш пайтда маҳсулотлар сифатини ошириш ва таннархини тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Юқори технологик ва қўшилган қийматли маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тизимини жорий қилиш, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида Саноат сийёсати тадқиқотлари марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Олимпия шаҳарчасини молиялаштириш жараёнини жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

▶ 2 бет

ЯНГИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШИ қалбга фахр ва ғурур бахш этади



Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мустақиллик тенгдоши бўлсам-да, мамлакатимиз пойтахтида туғилиб ўсган ота-онамнинг ҳикояларидан, дурдоналарга айланган кинотасмалардаги фильмларда кўриниш берган азим Тошкент шаҳрининг аввалги қиёфасини кўз олдимдан бирма-бир ўтказаман. Пастак, аксарияти лой сувоқ томли уйлар, айрим кўчалари текис, асфальтланган кўчалар, ўша даврга мос архитектура ечимларига эга уйлардан иборат 1966 йилги зилзилагача бўлган шаҳар.

Ундан кейин йиллар давомидаги ривожланиш, пойтахтда йирик массивларнинг қад ростлаши, кўплаб янги йўللار, кўприкларнинг қурилиши, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилар қатори ерости транспорти – метронинг фойдаланишга топширилиши. Буларнинг барчасини ўз кўзим билан кўриб, шоҳиди бўлмаганманку, адабимиз Пиримқул Қодировнинг "Олмос камар" романини ўқиб, гўёки ўша даврга тушгандек, пойтахтнинг қурилишида иштирок этгандек ҳис қиламан.

Орадан йиллар ўтиб шуғримизга мустақиллик ибораси жойлашгач, Тошкентимизнинг янада чирой очишига гувоҳ бўлдим. Сўнгги йилларда эса Янги Ўзбекистон иборасига Янги Тошкент номи қўшилди. Энди Янги Тошкент кўз олдимда қад ростлашининг гу-

воҳи бўлаётганимдан қалбим фахр ва ғурурга тўлмоқда.

Тошкент ривожланмоқда. Сўнгги 6 йилда Тошкентда фаолият юритаётган корхоналар сони 2 бараварга кўпайган. Бизнес муҳити яхшилانгани, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилгани натижасида 26 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилган.

Шаҳар бугун бир неча йил олдинги кўринишда эмас. Чин маънода мегаполис қиёфасига кириши учун қурилишнинг энг замонавий ютуқлари амалиётга интеграция қилинмоқда. Қурилишнинг янги технологиялари кириб келмоқда. Шу ўринда бир рақамни келтирмоқчиман, 1991 йилдан 2016 йилгача юртимизда 2 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилот-

лари фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 мингдан ошиб кетди.

Шунга мос равишда қурилиш жараёнлари ҳам жонлиб, биргина Тошкент шаҳрида 93 мингта квартиралар қурилиб, аҳоли иҳтиёрига топширилди. Замонавий корхона ва иншоотлар барпо этилди. Шунингдек, 30 минг ўринли мактаблар, 20 минг ўринли боғчалар, 2 минг ўринли тиббиёт муассасалари, 200 гектар майдонда парklar, 10 дан зиёд йирик спорт мажмуалари қурилди.

Шаҳарда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида 14 та метро бекати ишга туширилиб, кунлик йўловчи қатнови 1 миллиондан ошди. Йил якунигача яна 5 та бекат фойдаланишга топширилади.

Тан олиш керак, шу йиллар оралиғида қў-

ишлар қилинди. Аммо бундан ҳам кўпроқ имкониятлар бор. Очиғи, охириги пайтлар глобал ривожланиш Тошкент инфратузилмасига ҳам таъсир кўрсатди. Урбанизация ҳисобиغا пойтахт аҳолиси сонининг ортиши инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юкларлар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тўтун буларнинг барчаси Тошкент шаҳри майдонини кенгайтиришни, одамлар яшаш учун қулай шароитга эга Яшил шаҳар қуришни тақозо этаётганди. Ахир пойтахт аҳолиси деярли 5 миллионга етди. Бугунги кунда 20 мингдан ортик квартирага, 40 дан ортик мактаблар, болалар боғчалари, поликлиникаларга эҳтиёж бор.

▶ 3 бет

Ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди



1-бет

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров ҳамда Хитой Экимбанкни департамент раҳбари Йе Линжун ва "CHINA CAMC ENGINEERING CO.,LTD." компанияси вакиллари иштирокида ўтган мулоқотда Олимпия шаҳарчасининг курилиш лойиҳасида ҳамкорлик масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси

билан амалга оширилаётган ушбу лойиҳага кўра шаҳарча марказида олимпия стадиони, сув спорти саройи, машғулот майдончалари, эшак эшиш хавзаси барпо этилади. Барча шароитлар Осиё Олимпия кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ бўлади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва хўжалик объектлари ҳам қурилади. Мусобақалардан ташқари вақтда шаҳарча ўқув-машғулот базаси бўлиб хизмат қилади. Бу ерда Олий спорт махорати институти, спорт федерациялари ва соҳадаги бошқа муассасалар фаолият олиб боради.

Ўзаро самимий кечган мулоқотда меҳмонлар юртимизда хоржий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган курилиш лойиҳаларининг истиқболларини мамнуният билан қайд этдилар. Ушбу кенг камровли ташаббус Янги Ўзбекистон тарихида яна бир муҳим воқеалик эканлиги алоҳида таъкидланди.

Янгиланаётган Конституция моддалари ўрганилди


Тошкент шаҳар курилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Конституциявий комиссия аъзолари ва мутахассислари томонидан Янги Конституциямизга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституцияда аҳолининг барча қатлами манфаатлари инобатга олинди. Конституциявий қонун лойиҳасининг ижтимоий йўналтирилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. "Ўзбекистон - ижтимоий давлат" деган конституция-

вий тамойил муҳрланаётгани ва давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 бараварга ошаётганига, шунингдек, ҳужжатнинг 31-40-47-моддаларида назарда тутилган нормаларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон "The Investor" нигоҳида

Жаҳон давлатлари доирасидаги илғор иқтисодий тармоқларини ёритиш орқали инвесторларни тўғридан-тўғри жалб қилишга йўналтирилган "The Investor" журналида яна Ўзбекистон мавзуси! Бу сафар ёритилган сегментлардан бири - "Курилиш ва инфратузилма".



Журнал бош муҳаррири Леонардо Славинский мавзу доирасида фикр алмашиш, соҳа мутахассислари иштирокида интервью ташкил этиш мақсадида Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ташриф буюрди. Меҳмонни Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрь кунин Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида Янги Ўзбе-

кистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар ҳақида гапирар экан, аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказиш, бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари беришни давом эттирилиши каби устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратган эди. Яна бир жиҳат, келгуси йилда Тошкент вилоятида "Менинг биринчи уйим" янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида биринчи навбатда

турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади. Мулоқотда ана шундай фикрлар тилга олинди.

"The Investor" журналининг янги нашрида Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳияти, курилиш инфратузилмаси хусусида мақола тайёрланиши, бу борадаги ислохотларнинг бугуни ва истиқбол хусусида экспертларнинг фикрлари билдирилиши учрашувда алоҳида қайд этилди.



"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида қурувчилар улуши

Райҳона Хўжаева, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳар йили баҳор фаслида Президентимиз ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қизгин ишлар бошланди. Бу лойиҳада юртдошларимиз ҳам қатнашиб, кўчат экиш жараёнларида фаол иштирок этаётгани қувонарли, албатта.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимиз бўйлаб йилга 200 млн туп дарахт ва буга кўчатларини экиш белгиланган бўлиб, шу орқали шаҳар ва туманлардаги яшил майдонларни янада кенгайтириш долзарб вазифага айланган. Муҳими, тобора "бетонлашиб" бораётган шаҳарларимизда яшилликни сақлаш ва кўпайтириш ишларида ҳеч бир соҳа вакиллари, жумладан, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳам четда тургани йўқ.

Муборак Рамазон ойи ва Наврўз байрами муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида вазирлик ходимлари Бўстонлик туманида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида табиат манзараларини бойитишга ҳисса қўшиб, кўркам боғ яратилди.

– Вазирлигимиз учун Бўстонлик туманидан тўрт гектар ер ажратилди, –



деди Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Аъзамиддин Қўлдашев. – Мана шу белгиланган жойда 2 500 га яқин мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини ўтказдик. Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотларидан 400 га яқин ишчи-ҳодимлар кўчат экиш жараёнида катта жонбозлик кўрсатишди. Хусусан, бунда "Шаҳарсозлик ҳужжатлари

экспертизаси" ДУК, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда "Қишлоққурилишлойиҳа", "Ўзбеккоммуналлоиҳақурилиш" лойиҳа-қидирув институтлари, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Тошкент-бошланЛИТИ" ДУК ходимлари ҳам қатнашиб, юртимиз ободлигига катта ҳисса қўшишди.

Қолаверса, Президентимиз "Янги Тошкент" лойиҳаси қурилишига тамаал тоши қўйиш маросимида сўзлаган нутқида ҳам пойтахтимиз аҳолиси учун ҳар томонлама қулай шароитга эга, чинаям экологик шаҳар бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда "Тошкентнинг яшил белбоғи" лойиҳаси айнаан Янги Тошкент ҳудудидан бошланиши, бунда 420 гектар майдонда Марказий боғ барпо этилиб, 200 минг туп дарахт экилиши белгиланган. Давлатимиз раҳбари бу ишларнинг давомий сифатида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳор фаслида ҳар бир маҳалла ҳудудида мингтадан дарахт экиш тақлифини ҳам илгари сургани ҳам бежиз эмас.

Демак, "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки" шiori остидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари доирасидаги ишлар фақатгина бугун-эрта эмас, ҳар йили давом этиб, юртимизни янада кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшаверади.



Аҳоли мурожаатлари ҳар доим эътиборда

Райҳона Хўжаева, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева хизмат сафари билан Навоий вилоятининг бир қатор туманларида бўлиб, коммунал соҳа бўйича аҳоли мурожаатлари ҳамда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолияти билан танишди.

Дастлаб, зарафшонликларнинг коммунал соҳага оид мурожаатлари юзасидан сайёр қабул ўтказилди. Унда аҳоли вакиллари билан соҳага доир 18 та мурожаати қабул қилинди. 10 та мурожаат жойида ҳал этилиб, аҳолига ҳуқуқий тушунчалар берилди. Вақт ва жойига чиққан ҳолда ўрганиш талаб этиладиган мурожаатлар назоратга олиниши таъкидланди. Мутасаддилар кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бир неча бошқарув ташкилотларининг фаолиятини ҳам ўрганишди. Хусусан, аҳоли мурожаатлари билан

ишлаш, уйларга техник хизмат кўрсатиш, атроф ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди. Шунингдек, компаниялар томонидан аҳоли қулайлигини таъминлаш учун яратилган имкониятлар, хусусан, ташкил этилган қўшимча сервис хизматлар кўздан кечирилди.

Бундан ташқари, сафар давомида вазир ўринбосари уйма-уй юриб аҳолининг соҳага доир фикрлари, тақлифлари ва мурожаатлари билан қизиқди. Уларга тизимда амалга оширилаётган ислохотлар,

янгиликлар бўйича маълумотлар берилди. Жумладан, Зарафшон шаҳри 12, 13-кичик туманларда истиқомат қилувчи ижтимоий химояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларни қийнаб келаётган муаммолар ўрганилди. Имконияти чекланган фуқароларга коммунал тўловларни тўлашда енгиллик берилиши кераклиги таъкидланди.

Бугунги кунда Зарафшон шаҳрида 10 та бошқарув сервис компанияси фаолият юритиб келмоқда. Шаҳарда ягона тўлов тизими ташкил этилган бўлиб, фуқаролар барча коммунал хизматлар учун тўловларни умумий кассага тўлашди. Аҳолининг коммунал ресурслар, хусусан иссиқлик, сув, электр энергияси ҳамда сув чиқариш, чиқинди олиб чиқиш, мажбурий бадал тўловлари марказлашган ягона кассада йиғилди. Шундан сўнг, марказ коммунал хизмат тақдим этувчи корхоналар ҳамда бошқарув ташкилотларига тегишли маблағларни ўтказиб берадилар. Мазкур тизимда кузатишган муаммолар, жумладан,

маблағларни ўз вақтида бошқарув ташкилотлари ҳисобига ўтказиб берилмаётганлиги каби ҳолатлар вазирлик мутасаддилари томонидан ўрганилди.

Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида ҳам ана шундай сайёр қабул ўтказилди. Туманда мавжуд 305 та кўп қаватли турар жой биноларига хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари вакиллари ҳамда фаоллар билан учрашувда аҳолини қийнаётган масалалар ва уларнинг тезкор ечимлари доирасида керакли чоралар кўрилди. Сайёр қабулда билдирилган 12 та мурожаатдан 10 таси жойида ҳал этилди. Сув оқизиш (поливе) масаласидаги 2 та мурожаатни ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Шунингдек, сайёр қабулда турар жой бинолари олдига болалар ўйингоҳларини ташкил этиш масаласи ҳам ўртага ташланди. 56 та уйда иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар Учқудуқ тумани фаолият юритувчи "Голден групп" бошқарув сервис компанияси фаолияти билан танишдилар. Бугунги кунда компаниянинг 16 нафар ходими 38 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келади. Аҳоли мурожаатларини шаҳар ва вилоят коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаларига, шунингдек, вазирликка тўғридан-тўғри интеграция қилиш масалалари кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида аҳоли қулайлигини таъминлаш учун қўшимча сервис хизматларини йўлга қўйиш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

Тумандаги иссиқлик манбаини ўрганиш давомида корхона фаолияти, иссиқлик қозонлари ҳолати ҳамда 305 та кўп қаватли уйни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминловчи корхонанинг диспетчерлик хизмати кўздан кечирилди. Корхонани замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда модернизация қилиш, хусусан, эскирган

қозонларни янгиларига алмаштириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Аҳоли мурожаатлари билан танишиш ишлари Томди туманида давом этди. Туман ҳокими иштирокида аҳолининг коммунал соҳага оид мурожаатлари юзасидан ўтказилган сайёр қабулда 9 та, хусусан, кўп қаватли уйларнинг ичимлик, оқова сув ҳамда сугориш тизими бўйича мурожаатлар қабул қилинди. Ушбу мурожаатларнинг 5 таси жойида ҳал этилди. Қолган мурожаатларни бартараф этиш бўйича масъулларга тегишли топшириқ берилди.

Коммунал соҳадаги муаммолар давомий бўлиб, бири бартараф этилса, бошқасида носозлик кузатилаверади. Шу боис, бу соҳа доимий эътиборни талаб қилади. Юқоридаги каби ўрганишлар эса ҳудудларда аниқланган камчиликлар ва муаммолар қисқа фурсатда бартараф этилиши ҳамда назоратга олиниши билан аҳамиятлидир.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШИ қалбга фахр ва ғурур бахш этади

1-бет

Бу йилги Наврўз байрами арафасида нафақат пойтахт аҳолиси, балки юртимиз аҳолиси учун ҳам эсда қоларли тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 18 март куни Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйилди.

"Янги Тошкент" лойиҳаси одамларнинг яшаш шароитлари, иқтисодий ривожланиши, кайфияти ва маданиятига катта таъсир кўрсатишга қўлдан келгунча ҳар қандай сиёсатнинг яққол намунаси дейиш мумкин.

Даставвал ушбу шаҳар лойиҳаси яратилишига озгина тўхталиб ўтсак. Пойтахт аҳолисининг йилдан йилга ортиб бориши қўллаб-инфратузилмалар барпо этиш за-

расида қурилиш ишларини олиб бориш, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш, Тошкентнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш кўзда тутилган. Масалан, Тошкент вилоятининг чегара туманлари ҳисобига пойтахт ҳудудини босқичма-босқич кенгайтириш, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари ўртасида Янги Тошкент шаҳрини қуриш режалаштирилди.

– Янги Тошкент Бош режасини ишлаб чиқиш ва мавжуд Тошкентнинг Бош режаси билан интеграция қилиш жараёнида яшиллик ва мовийлик деган асосий фалсафани илгари сурганимиз, – деди "ТошкентбашланЛТИ" ДУК архитектори Умиджон Файзиев. – Яшиллик деганда аҳолининг дам олиш марказларини ривожлантириш ва бу ерда Чирчиқ ҳамда

яшиллик ва инновацион ривожланиш борасида дунёдаги тараққий этган шаҳарлар билан рақобатлаша олади. Янги Тошкентнинг яшиллик даражасини ошириш мақсадида "Яшил ҳалқа"ни яратиш кўзда тутилган. Масалан, Вена, Сингапур каби шаҳарларни оладиган бўлсак, уларда шаҳарнинг маркази ва атрофи биргалашиб, яшил марказ ва яшил ҳалқани шакллантиради. Шу боисдан Янги Тошкент ва мавжуд Тошкентда ҳам шу тизим орқали яшилликни шакллантириш, ички шаҳарнинг марказий қисми ва шаҳарнинг атрофини биргаликда яшил маконга айлантириш мақсад қилинган. Лойиҳада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг норма ва қоидаларига кўра, ҳар бир инсонга 12-15 квадрат метр яшиллик тўғри келиши

– Янги Тошкент шаҳрида экиладиган дарактлар лойиҳамизда Тошкент атрофида 130 километр яшил камарнинг бир қисми. Яшил камарнинг шарқий қисми ва Янги Тошкентнинг шимолий қисми туташган ҳудудлар ҳисобланади, – деди "ТошкентбашланЛТИ" ДУК директори ўринбосари Саидазим Шарипов. – Шу сабабли ўша жойдан даракт экиш бошланди. Буни иқлимий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда шомол йўналишлари, сув манбалари ва тупроқнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда, асосан, экологийни ўргатган тарзда ишлаб чиқдик.

Лойиҳа концепциясида Янги Тошкент яшилликни ташкил этувчи даракт ва буталар навларига ҳам урғу берилган. Хусусан, маҳаллий иқлимга мос келадиган чинор, эман, шумтол, заранг, жийда каби дарактлардан ташқари, оқ ва қора қайинлар, ликвидамбар, каркас, Ҳиндистон настарини, Сирия атиргили каби манзарали даракт ва буталар экилиши кўзда тутилган.



руратини келтириб чиқарётгани сабабли Президентимиз бу масалани алоҳида эътиборга олиб, Тошкентнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисида қилиш вазифасини илгари сурганди. Ана шу ташаббус бугунги кунда реал воқеликка айланмоқда.

– Пойтахтимизнинг барқарор ривожланишини ўйлаб, камида 15-20 йил олдин режаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур. Чўқур ўйланган урбанизация сиёсати – турмуш шароити, иқтисодий ривожланишига, одамлар кайфияти ва маданиятига жуда катта таъсир кўрсатади, – деди давлатимиз раҳбари Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйиш маросиминда.

Айтиш кераки, ҳозирги мавжуд Тошкентнинг Бош режаси ва Янги Тошкентнинг концептуал лойиҳаси замонавий платформада ишлаб чиқилиб, у янги инновацион платформа ҳисобланади. Ушбу жараён маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан биргаликда интеграция қилинган ҳолда Тошкентни электрон яратиш кўзда тутилган. Бу нима дегани? Ҳар қандай янги қурилишлар мутахассислар ва халқнинг кўз ўнгиде кўриниб туради, яъни, шаҳар қай тарзда ривожланаётганини оддий халқ ҳам кўриб туради. Қурилиш давомида бирон-бир салбий ҳолатлар кўзга ташланса, халқ ўзининг фикрини билдира олади. Мутахассислар эса бу фикрларга ўз муносабатини билдиради.

Тошкентнинг 2045 йилгача Бош режаси лойиҳаси Буюк Британия, Сингапур ва туркиялик мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқилиб, унда аҳоли учун қўлай шароитлар яратиш, шаҳар ташка-

Қорасув дарёсининг сувларини бирлаштириш ва бунинг натижасида Янги Тошкент шаҳрининг 40-45 фоизини яшиллик билан қоплаш мақсад қилиб қўйилган. Яшил каркас ва яшил тасма деган тушунчаларни ҳозир биз режага киритяпмиз. Яъни, бу – аҳоли ҳар қандай яшаш нуқтасидан ўзига дам олиши мумкин бўлган яшил нуқтани топа олади. Сув бўйлари билан биргаликда шаҳарнинг ичига, марказий боғига, яъни "Ренессанс" деб номланган боғ орқали бемалол ўзларини комфорт шаҳарда ҳис қила олишлари мумкин бўлади.

Бундай тарихий ташаббусни шахсан Президентимизнинг ўзи бошлаб берди ва назорат қилди. Қўллаб-топириқлар берилди. Халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан муҳокамалардан сўнг 3 та вариантдан энг мақбули танлаб олинди.

Икки дарё орасида денгиз сатҳидан 500 метр баланликда жойлашган ноёб иқлим шароитига эга ҳудудда Марказий Осиёнинг янги тимсолини яратишга киришилди.

Тошкент шаҳар маркази Амир Темур хиёбонидан 20 километр масофада, Юқори Чирчиқ ва Урта Чирчиқ туманларида ва энг асосийси, Қорасув ҳамда Чирчиқ дарёлари ораллигида жойлашган Янги Тошкент шаҳрини бунёд қилиш учун 20 минг гектар ер майдони ажратилди. Таъкидлаш ўринлики, қурилишларнинг дастлабки босқичи 6 минг гектарда амалга оширилади. Айна шу жиҳати билан ҳам мазкур мега лойиҳа Марказий Осиёнинг тарихий тимсоли, дея эътироф этилмоқда.

Яшиллик бутун дунёда экологик ва барқарор шахарсозлик нуқтаи назаридан ривожланган мамлакатларга тенг стандарт. Бу орқали Янги Тошкент бемалол

инобатга олиниб, шунга мос равишдаги нормалар киритилган. Шу билан бирга, янги шаҳарда яшил йўлакларни барпо этиш кўзда тутилган бўлиб, улар асосан шаҳарнинг ичидан ўтувчи дарё ва каналлар шаҳарнинг ички яшил маркази билан боғлаб бериш вазифасини ўтайди.



Шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида қайд этилганидек, Янги Тошкент чинакам экологик шаҳар бўлади. "Тошкентнинг яшил белбоғи" лойиҳаси шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда "Марказий боғ" барпо этилиб, 200 минг туп даракт экилади.

Шаҳар лойиҳасининг биринчи босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, 30 та мактаб, 20 та болалар боғчаси, кўп тармоқли касалхона ва 5 та оилавий поликлиника қурилади. Бу ерда Янги Ўзбекистон университети, янги Миллий кутубхона биноси, театр, ижод мактаблари, сервис объеклари ҳам жойлашади.

Яна бир муҳим томони – бу лойиҳани амалга оширишда замонавий урбанизация ёндашувлари асосида "ақлли" технологиялар қўлланилади. Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунлигида ҳаракатланади. "Яшил ва хавфсиз шаҳар" тамойили асосида, пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қўлай шароит яратилади.

Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳлари қурилади. Автомобиль қатнови учун 14 та замонавий тунеллар ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади. Янги шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли 200 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва табиий кластерлари ташкил этилади. Шу мақсадда алоҳида дастур қабул қилинади.

– Лойиҳада биринчи навбатда жамоат транспортига катта эътибор берилган, – деди "ТошкентбашланЛТИ" ДУК архитектори Умиджон Файзиев. – Хусусан, тезорар транспорт тармоқлари жорий қилинади. Шаҳар ичида 14 та тунел



– Янги Тошкент шаҳрида экиладиган дарактлар лойиҳамизда Тошкент атрофида 130 километр яшил камарнинг бир қисми. Яшил камарнинг шарқий қисми ва Янги Тошкентнинг шимолий қисми туташган ҳудудлар ҳисобланади, – деди "ТошкентбашланЛТИ" ДУК директори ўринбосари Саидазим Шарипов. – Шу сабабли ўша жойдан даракт экиш бошланди. Буни иқлимий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда шомол йўналишлари, сув манбалари ва тупроқнинг ҳолатини инобатга олган ҳолда, асосан, экологийни ўргатган тарзда ишлаб чиқдик.

Лойиҳа концепциясида Янги Тошкент яшилликни ташкил этувчи даракт ва буталар навларига ҳам урғу берилган. Хусусан, маҳаллий иқлимга мос келадиган чинор, эман, шумтол, заранг, жийда каби дарактлардан ташқари, оқ ва қора қайинлар, ликвидамбар, каркас, Ҳиндистон настарини, Сирия атиргили каби манзарали даракт ва буталар экилиши кўзда тутилган.

лойиҳаланган бўлиб, бундан асосий мақсад, шаҳар устини кўпроқ пиёдаларга ажратиб ва сокин муҳитни яратишдан иборат. Мавжуд Тошкентга жорий қилганимиз каби Янги Тошкентга ҳам 15 дақиқалик шаҳар тамойилини қўллаганимиз. Бу мантисқ шундан иборатки, тезорар жамоат транспорти бекатларини инсонлар яшайдиган ва ишлайдиган ҳудудлардан 15 дақиқа масофа ҳудудда жойлашиши ва ундан ташқари, мактаб, боғча, табиий мақсадлар ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш пунктларининг ҳам 15 дақиқалик масофада жойлашиши назарда тутилди. Бу орқали шаҳар ичидаги ҳаракатни кўпроқ, локаллаштиришга ёрдам бериш ва шаҳардаги транспорт тармоғига бўлган юкларни камайтириш ҳисобланади. Яна бир эътиборли жиҳати, Марказий Осиёда илк бор 3-генерация станциясининг қурилишидир. Бунда электр энергияси, иссиқлик энергияси ва совутиш тизими учун совуқлик бир нуқтада ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, қуёш панеллари орқали

таъминлаш учун жами қуввати 2 минг 400 мегаваттлик 4 та қуёш электр станциясини қуриш режалаштирилган. Улардан биринчиси Қўбрай туманида 400 мегаваттлик фотоэлектр станциясини қуриш ишлари бошланган. Шунингдек, яна 3 та лойиҳа юзасидан Хитойнинг бир қатор компаниялари билан келишувларга эришилган. Булар – Юқори Чирчиқ туманида 700, Оҳангарон туманида 1 минг, Бўка туманида эса 300 мегаваттлик станциялардир.

– Ҳар бир станциялар 2024 йил ярмига бориб тўлиқ қувватда ишга тушади, – деди Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Миромил Саидов. – Бу қувватларни ишга туширишда биз Тошкентни 75 фоиз электр энергияга бўлган талабини қондиришга эришамиз. Барча ерлар танлаб олинганда Қуёш нурлари инобатга олинган ҳолда Хитой компаниясининг мутахассислари ҳамда маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Маросимда Президентимиз 3 та фотоэлектр станциясини барпо этилишини бошлаш учун старт тугмасини босди.

– Ўзбекистон тарихида бундай воқеа ҳеч қачон бўлмаган, – деди Тошкент шаҳар "Нуроний" Жамоатчилик кенгаши раиси, сенатор Рустам Калонов. – Президентимиз шижоат билан инвесторларни ҳам, лойиҳалар молиясини ҳам топиб, 4 та туманда фотоэлектр станциялари қурилишига старт берди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, эндиликда Тошкент шаҳрида 450 дан ортиқ трансформатор пунктлари алмаштирилиб, уларнинг ўрнига янгилари ўрнатилди. Мен 12 йил энергетика тизимида ишлаганман. Бу иш нақадар мураккаб эканини яхши тушунаман. Режа асосида ушбу иншоотларнинг қурилиши ва муддати белгилаб қўйилгани эътиборли молик. Бундай ишларни бажариш учун муҳандислик ақл-заковат, куч ва албатта маблағ керак бўлади. Маросимда Президентимиз шунинг таъкидидики, бу қурилиш ишларини бир йилда амалга ошириш режаси бор. Хорижий инвесторлар келиб шу ерда ишлаб чиқариш қиладими, иш жойларини кўпайтирадими, ўзининг фаолиятини олиб боришини мақсад қилганини, биринчи навбатда уларга электр энергия лозим бўлади. Бунинг учун мамлакатимиз хорижий инвесторлар ишларини йўлга қўйишларига имкон яратиб, электр энергияни таъминлаб бериши керак. Олдимизга қўйилган бу каби эзу мақсадлар халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Лойиҳаларни амалга оширишга 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд тўғридан-тўғри инвестиция киритилади. Йил якунигача улар буйича дастлабки 300 мегаватт қувватлар ишга туширилади. Бу станциялар тўлиқ қувватга чиққандан кейин йилга 6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқариб, пойтахт эҳтиёжининг ярмидан кўпини қоплайди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида юқори кучлиништи тармоқлар қурилиб, эскирган трансформатор ва электр тармоқлари янгиланиши маълум қилинди.

Мақоламини бежиз Тошкент тарихидан бошлаганим йўқ. Йиллар ўтаверди. Биз сўнгги йиллар давомида Тошкент шаҳрининг қайта қурилиши ва ривожланишига шохид бўлганимиз каби, фарзандларимиз ҳам Янги Ўзбекистон пойтахти – Янги Тошкент шаҳрининг қурилишига гувоҳ бўлишди. Зеро, Президентимиз айтганидек, "Пойтахтимизда амалга ошираётган барча-барча мақсад, режа ва дастурларимиз аҳолини учун, унинг бугун кечадиган, эртага бугунгидан яхшироқ яшаш учундир".

Суратларда: Янги Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган иншоотлар лойиҳалари.



ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ҚИЗГИН МУҲОКАМАДА

Акбар РАЖАБОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
юримдик бўлими бошлиғи.

Хабарингиз бор, юртимиз яқинда муҳим сиёсий жараёнга гувоҳ бўлиш арафасида турибди. Бу 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилиши режалаштириладиган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумидир. Конституциявий қонун лойиҳаси айти пайтда кенг халқ орасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Барча ташкилотларда тадбирлар ўтказилиб, юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари тингланмоқда. Мутахассислар томонидан аҳолига янгиланаётган моддалар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилапти.



Ҳақиқатан ҳам, Конституция – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиди. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат авваломбор Конституцияга асосланади. Бу бўйича вазирлигимизда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг таҳлиliga бағишланган йиғилишда ҳам батафсил тўхталиб ўтилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари – Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари, Конституциявий комиссия аъзоси Хайрилло Гаппаров, вазирлиқнинг тизим ташкилотлари ҳамда вилоят бошқармалари вакиллари қатнашган тадбирда янги таҳрирдаги Конституция мамлакатимизда шиддат билан олиб борилаётган ислохотларнинг бош ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Конституциямизнинг биринчи моддасидек Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортомқда. Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши

ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади. Шунингдек, ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилган бўлса, бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси олинган. Мутахассислар ақин 2-3 йилда эса бу рақамни 200 мингга етказиш устида ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, ушбу йиғилишда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик ва уй-жой дахлсизлиги, оила, меҳнат муносабатлари, суд-ҳуқуқ соҳаси, таълим, тиббиёт, экология, ва бошқа кўплаб йўналишлардаги ўзгаришлар атрофида таъкидланди. Ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатимизда шиддат билан олиб борилаётган ислохотларнинг бош ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Конституциямизнинг биринчи моддасидек Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортомқда. Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши

Конституция қарийб 65 фоизга янгиланган. Амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилмоқда.

Дарҳақиқат, янгиланаётган Конституциянинг ҳар бир моддаси лойиҳада фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда. Конституциявий қонун лойиҳасида давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилишига шарт-шароит яратиши белгиланмоқда. Ижтимоий жиҳатдан эҳтижман донфаларни уй-жой билан таъминлашнинг қонуний асослари яратилмоқда. Энг муҳими, Конституцияда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувонлик ҳолда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги аниқ равшан мустаҳкамланмоқда. Уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг ҳамда у қурган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Мазкур норманинг Конституциямизга киритилиши бир неча йиллардан буён жамиятимизда уткир муаммолардан бирига айланган “снос” билан боғлиқ муаммога нисбатан халқларвар, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилувчи оқилона ечим бўлади.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасида барча соҳаларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминлашига эришиш масаласи устувор белгилаб қўйилган. Шу нукта назардан, унда солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўққинлик қилмаслиги ўрнатилмоқда. Бозор муносабатлари тобора ривожланаётган шароитда ушбу норма барча фуқаролар, тадбиркорлар ва ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, халқ тақдир ва эртанги кунини белгилаб берадиган Қонунга бефарқ бўлмасдан, референдумда фаол иштирок этишга чақирилди. Олдидан турган бу сиёсий воқеага барчамиз бирдек масъулият билан қараб, ўз фикримизни билдиришимиз бугун куннинг долзарб талабидир.

Инсонга эътибор ва ғамхўрлик давлатнинг энг асосий бурчи этиб белгиланмоқда

Мавлуда АТХАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сўнгги олти йилда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизни ҳар жиҳатдан тараққий этаётган катта давлатга айлантирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошланган туб ўзгаришларни янги босқичга олиб чиққан ҳолда жадал давом эттиришни тақозо этмоқда.



Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, ярмидан кўпинеи ёшлар ташкил қилиши, уларга муносиб шарт-шароит яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим.

Шу боис, кўп миллатли халқимиз хозир ва истакларидан келиб чиққан ҳолда Бош қомусимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Айти кунда аҳолиимизнинг фикр ва тақлифлари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси лойиҳаси референдум учун кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Ҳўш янги таҳрирдаги Конституциянинг аввалги Конституциядан фарқи нимада?

Буни биргина инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўлими сезиларли даражада кенгайтирилганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан

кўпроққа ошмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий этиб белгиланмоқда. Шу билан бирга, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланапти.

Яна бир муҳим ўзгариш давлат оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини – уларнинг маълумот тўплаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлайдиган меъёр ҳам қатъий белгилаб қўйлаётганлигидир. Хусусан, амалдаги Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ фақатгина битта 67-моддада журналистлар ҳуқуқлари айрим ҳолларда уларга тарқатган маълумоти учун жавобгарлиқни назарда тутувчи нормалар орқали белгилаб қўйилган эди.

Эндиликда, бугунги очкилик ва сўз эркинлиги сиёсати, жамиятда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишида ОАВлар ўрни ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, журналистларнинг эркин фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида давлат зиммасига ҳам бир қатор мажбуриятлар юкланмоқда.

Жумладан, журналистлар фаолиятига оид моддалар сони 1 тага кўпайиб 81-моддада давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлаши белгиланмоқда.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституциямиз бугун дунёда рўй бераётган геосиёсий ўзгаришлар ва қарама-қаршиликлар ҳамда юртимизда олиб борилаётган янгиланишлардан келиб чиққан ҳолда 65 фоизга янгиланмоқда. Натيجида, моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони эса 275 тадан 434 тага ошмоқда. Бундай халқ демократиясининг конституциявий асослари қабул қилиниши учун барчамиз 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишимиз лозим.

Янги Конституция – Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради

Раҳима ЮСУВАЛИЕВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Халқаро ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ
фанлари кафедраси мудири, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқимизнинг демократия фояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби қадриятларга содиқлиги ифода этилган. Ижтимоий адолат тамойили мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.



Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлашнинг тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш мақсади белгиланган. Кўриб турганимиздек, ижтимоий адолат жамият ҳаётининг асосий мақсади ва орзусига айланган. Стратегиянинг 20-мақсадидида “Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш; тадбиркорлар ва аҳоли, айниқса унинг кам таъминланган қатламлари учун ҳуқуқий ҳужжатларни қиритиш ишториксиз тайёрлаш имконини берувчи “Legal Tech” платформасини ишга тушириш” каби вазифаларнинг белгиланиши ижтимоий адолат тамойилининг асл мақсадини ташкил қилади.

Ижтимоий адолат тамойили Конституциямиз ва бошқа бир қатор жорий қонунларда ўз ифодасини топган. Шу билан бир қаторда халқаро ҳуқуқнинг умумэтнорфоқ этилган тамойили сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг бош мақсади сифатида қайд қилинган.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида ижтимоий адолат инсониятнинг олий маънавий қадриятларини тасдиқлаб, бу қадриятларнинг жамият ҳаётдаги ҳалқ қилувчи ролини таъминлайди, шахсга нисбатан ўзбошимчилик ва зўравонликни истисно қилади. Жамиятда қонун устуворлигининг маънавий асосини инсонпарварлик ва адолат, инсон ҳуқуқлари, унинг шъъни ва қадр-қиммати каби умуминсоний тамойиллар ташкил этади. Ижтимоий адолат инсоният тарихида асллар мобайнида шаклланган муҳим ижтимоий ғоя ва халқнинг доимий орзуси бўлиб, жамиятда рўй бераётган ислохотлар даврида унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар эса бу тамойилнинг ҳаётга татбиқ қилинаётганининг ёрқин далили сифатида кўзга ташланади.

Ижтимоий адолат давлат ҳокимияти органларининг бошқарув салоҳияти ва фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари ва имкониятлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва адолатли ижтимоий тартибни ташкил этиш воситаси сифатида фаолият юритувчи ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади.

Ижтимоий адолат эркинлик ва тенглик тушунчалари билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг уйғунлигида яққол намоён бўлади. Эркинлик ва тенглик тушунчалари эса қонунийлик тушунчаси

билан узвий боғлиқ ҳолда ижтимоий адолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ижтимоий адолат тамойилининг бош мақсадини ташкил қилади.

Конституциямизнинг янги таҳририда шуларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада юксалтириш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга муҳим аҳамият қаратилган. Янги Конституция Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш иродасининг ифодаси-ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади.

Айти кунда мазкур референдумни ўтказиш ва унда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Дарҳақиқат Янги Конституция сизники, бизники, барчамизники. Шундай экан, референдумга барчамиз ўз хоҳишимиз ва юрт равнақиға дахлдорлик ҳисси билан иштирок этишимиз лозим.

Референдум ўтказувчи округ комиссияларининг вазифа ва ваколатлари нималардан иборат?

Шу йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича референдумга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Мазкур референдумни миллий қонунчиликка мос тарзда, уюшқоқлик билан ташкил этишда референдум комиссиялари муҳим ўрин тутати.



Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 16 мартдаги мажлиси қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри чегараларида 14 та референдум округлари ташкил этилди, референдум ўтказувчи округ комиссиялари тузилиб, уларнинг таркиби турли соҳа вакиллари билан иборат жами 266 нафар аъзодан иборат этиб тасдиқланди.

Мазкур референдум ўтказувчи округ комиссиялари қандай вазифаларни бажаради, уларнинг ваколатлари нималардан иборат?

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Баҳодир Юнусов ўзА мухбири Мухтарам Комиловага қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Референдумни муносиб ташкил этиш ва ўтказишда, албатта, референдум комиссияларининг ўрни муҳим, чунки айнан улар мазкур жараёнларга масъул ҳисобланади, – дейди МСК аъзоси. – Хусусан, референдум ўтказувчи округ комиссиясининг ваколатлари “Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга қўра, референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади. Референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолиятини

мувофиқлаштириб боради. Бундан ташқари, маблагларни референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлашини назорат қилади ва округда референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдумга тайёргарлик қўриш давомида тартиб-тушунтириш ишларининг ташкил этилиши ва ёритилишида оммавий ахборот воситаларига қўмақлашади. Шунингдек, қонунчиликка қўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди.

Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб бориш, референдум ўтказувчи участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлаш, округ бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш каби вазифалар ҳам референдум ўтказувчи округ комиссияси ваколатига қиради. Бундан ташқари, ушбу комиссиялар овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг муражатларини кўриб чиқади.

ЭЛЕКТРОН ТЕНДЕР – коррупциянинг олдини олади

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги УРҚ-684-сонли 2021 йил 22 апрелдаги қонуни билан энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда 2022 йил 1 январдан эътиборан электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талаби амалга киритилди. Бу эса ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқиш баробарида янада ривожлантириш, асосийси, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутяпти.



Мазкур қонунга асосан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳам ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ қилинди. Айни пайтда вазирлик тасарруфидagi барча соҳалар ҳамда қўйи ташкилотлар ушбу тизимдан самарали фойдаланиб келмоқда. Шу сингари давлат харидларини кенг шакллантириш юзасидан tender.mc.uz платформаси ҳам яратилиб, ишга туширилди. Янги тизим соҳадagi давлат хизматларини рақамлаштириш, ҳужжатлар тўлиқ электрон шаклда айланишини таъминлаш ва қурилиш объектларининг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш имконини яратиши билан аҳамиятлидир.

Айтилишича, яқундан йилда давлат буюртмачиларининг буюртмалари асосида Қашқадарё вилоятида қурилиш соҳасида тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар учун ҳам қўйилган натижани бермоқда. Шу билан бирга, объектлар ва ҳудудлар инфратузилмасини шакллантириш ҳамда қурилишлар сифат даражаси ҳам кескин ўзгарди.

Айтилишича, яқундан йилда давлат буюртмачиларининг буюртмалари асосида Қашқадарё вилоятида Инвестиция дастури доирасида 130 дан ортиқ “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича 70 та, шунингдек, 680 та ички йўлларни таъмирлаш учун электрон тендерлар жойлаштирилиб, пудратчилар аниқланди. Вилоятдаги мутахассисларнинг фикрига кўра, тендер танловлари ишнинг кўзини биладиган, соҳада катта таърибга эга бўлган ҳақиқий қурувчиларни аниқлашда муҳим ўрин тутяпти. Электрон тендернинг яна бир қатор афзалликлари бор. Хусусан, ўтказилган

йўлсозлик ишларини “Mirishkor tuman yo'lardan foydalanish” УК жамоаси амалга оширмоқда.

Давлат дастурларига кўра, маҳаллардаги ички йўлларни қуриш, ён-атрофини ободлаштириш баробарида ичимлик ҳамда оқова суви тармоқларини тортиш, замонавий мактаблар, шифоналар барпо этиш ишлари ҳам вилоятда жадал равишда олиб боришмоқда. Масалан, ўтган йили Қамаш туманидаги “Қулоқли” насос станциясига Қашқадарё дарёсидан сув олиш ва унинг ўзанида иншоот қуриш учун ўтказилган электрон танловда “Remstroykomplekt invest Injining” МЧЖ билан шартнома имзоланди. Йилдан-йилга ўтувчи объект бўлгани туфайли асосий ишлар урдаланиб, ҳозирда яқиний босқичга киришилган. Ушбу иншоот ишга тушгач, туманининг баъзи ҳудудларида қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш муаммоси ҳал бўлади.

Бундан ташқари, Қарши туманининг “Мирмирон” МФИда жойлашган (150 ўринли даволал биноси) вилоят наркология диспансерини реконструкция қилиш ишлари юзасидан “Nasaf Profit Servis” МЧЖ билан шартнома имзоланди. Қасби туманидаги “Юксалиш” массивида 330 ўқувчи ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси ҳамда замон талабига мос спорт зали “Dasht qurilish-ta'mirlash fayz” хусусий корхонаси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ҳам вилоят маркази, туман ва шаҳарларда қурилиш режалаштирилган объектларда пудрат ташкилотларини аниқлаш учун электрон танловлар орқали кўплаб пудратчилар аниқланди ва бажариладиган ишлар юзасидан шартномалар тузилди. Асосийси, объектлар ҳақиқий эгасини топди.

Жумладан, Китоб туманидаги “Искана” МФИ, Тўпчоқча ва Кўрғонча қишлоқларини боғловчи ички йўлни жорий таъмирлаш ишларини “Kesh Auto Trans Servis” МЧЖ жамоаси бажарди. Янги ташкил қилинган Қўқдала туманининг “Бахт” МФИ ҳудудидаги Толзор, Турмиш ҳамда Субҳидам кўчаларидаги 12,7 километр

Ўз мухбиримиз.

Номига муносиб ҳудудлар бўлади

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Пойтахт вилоятининг маркази – Нурафшон шаҳрида кўп қаватли тузар жойлар, ижтимоий, маданий ва маъмурий биноларни бунёд этиш жорий йилда ҳам жадал олиб борилади.



Давлат дастурлари доирасида ва лойиҳалаштирилган ишларни ўз вақтида амалга ошириш баробарида унинг сифати, қурилишларда қандай материаллардан фойдаланилаётгани, асосий жараёнда темир-бетон конструкцияларга қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳамда тикланаётган биноларнинг зилзилабардошлиги каби омиллар Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг доимий эътиборида бўлмоқда. Бу борада аниқсиз, жойларда ташкил қилинаётган доимий назорат тадбирлари қўйилган натижани берди.

Тошкент вилояти ҳудудларида бунёд этилаётган объектларда амалга оширилган назорат ишлари юзасидан вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Қўдратилла Пиралиев шундай маълумот берди:

– Бино-иншоотларнинг мукамал ва сифатли барпо этилишида назоратнинг ўрни муҳим. Шунинг учун назорат тадбирлари жараёнида нималар инобатда олиними, қайси жиҳатларга эътибор қаратиш, йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар юзасидан доимий равишда мониторинг ўтказиб бориш ҳодимларимизнинг бош мақсадига айланган. Қурилиш соҳасига йил сайин янгиликлар кириб келиб, замонавий техника ва технологиялар жалб қилинмоқда. Кўплаб инвестициялар татбиқ этилиши натижасида инвесторлар билан бирга уларнинг ўз лойиҳалари ва қурилиш материаллари ҳам кириб келмоқда. Бу эса, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, эътиборли бўлиши талаб қилади.

ҳар қандай кичик хато ёки кўзбўямачилик, кун келиб кечириб бўлмас кўнгилсизликни келтириб чиқариши мумкин, – деди суҳбатдошимиз. – Шу боис, назорат тадбирлари давомида аниқланган нуқсонлар учун пудратчиларга 45 та, лойиҳачиларга 25 та, буюртмачиларга 65 та, жами 145 та ёзма кўрсатма ҳамда огоҳлантириш берилди ва нозоратчиларни бартаъриф этиш ишлари назоратга олинди. Йўл қўйилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартаъриф этишга мажбур бўлган МЖТКнинг 99-моддасига кўра, пудратчиларга 10 та, буюртмачиларга 9 та жарима жазоси қўлланилди ҳамда 1 та объектда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилди.

Маълумки, Тошкент вилоятининг Зангиота, Бўстонлиқ, Ангрэн, Паркент каби туманларининг инфратузилма ва қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар айрим ҳудудлардагидан анча фарқ қилади. Сабаби, бу туманлар ҳудуди сайёҳлик рўйхатида киритилган учун ҳар йили маҳаллий меҳмонлардан ташқари минглаб хорижий сайёҳлар таъриф буюришади. Қурилаётган меҳмонхоналар, кўп қаватли уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари нафақат дизайн, балки миллийлиги, ён-атрофида ландшафт яратилгани билан ҳам келиб-кетувчиларнинг эътиборини тортган даражада бўлиши тақозо этилмоқда. Шунинг учун мазкур жойларда қурилаётган ҳар бир иншоот, унинг атрофи ва кўчаларда доимий равишда назорат ўтказиб боришмоқда. Ўтган даврда иккита объектнинг талаб даражасида амалга оширилмаган айрим ишлари инспекция ходимларининг саъй-ҳаракати билан

Бўлғуси сувсозлар учун махсус стипендия жорий этилди

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Ўзсувтаъминот” АЖ ўзининг ҳудудий бўлимлари ҳамда таркибий корхоналарини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида соҳага оид таълим муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бўлғуси мутахассисларни тизимга қизиқтириш мақсадида режали равишда талабалар ўртасида турли тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказилади. Эндиликда иқтидорли талабаларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этила бошлади.



Жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари университетининг соҳага оид йўналишида тахсил олаётган билимга чанқоқ ҳар тарафлама тенгдошларига ўрнак бўлаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзсувтаъминот” АЖ ўзининг махсус стипендиясини жорий этди. Унга талабгорлар танлов асосида саралана олинади.

Бутунжаҳон сув кўни муносибати билан университетда бўлиб ўтган тадбирда “Ўзсувтаъминот” АЖ вакиллари, хусусан, “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ директори Мақсуд Аббасонов иштирок этди. Бугунги кунда аҳолини сув билан таъминлаш, ундаги муаммо ва ечимлар ҳусусида сўзлаб, талабаларни ҳар тарафлама рағбатлантиришга сув таъминоти корхоналари ҳамisha тайёрлигини алоҳида таъкидлади. Тадбирда университет раҳбариятига таъсис этилган стипендиянинг рамзий сертификати топширилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда иқлим ўзгариши сабаб бутун дунёда тоза ичимлик сувига бўлган талаб ортиб борапти. Ерости ва очиқ ҳавзалардаги чўчүк сув захиралари ҳам секин-аста камайиб бормоқда. Албатта, бу муаммо инсоният олдига жуда кўп вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Табиат инжиқликларига мослашидан тортиб ҳар томи сувини ўйлаб сарфлаш, ундан самарали фойдаланиш, бу йўлда замонавий ва тежамкор технологияларни жорий этиш каби талабларни бугун истаб, истамасак бажаришга мажбур бўляпти. Бунинг учун эса соҳага муносиб кадрларни тайёрлаш, тизимдаги муаммоларни инновацион лойиҳалар асосида ҳал этишга қодир мутахассисларни етиштириш бирламчи вазифага айланди.

Бўлажак сувсозлар учун таъсис этилган ушбу стипендия эса келгусида соҳага етувчи кадрларни саралаб беришга ҳисса қўйиши шубҳасиз.

Цемент: қайси корхона маҳсулоти яхши?



Маълумотларга кўра, ҳозирда республикамызда жами 34 та цемент заводи фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 25,2 млн тоннани ташкил этади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилда 14,6 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. Республикамызда М-400 маркадан тортиб М-600 маркагача бўлган цемент маҳсулоти тайёрланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 81 фоизи йирик заводлар ҳисобига тўғри келади. Қуйида Ўзбекистондаги энг йирик цемент заводлари билан танишим.

Шеробод цемент заводи Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган. Завод 2018 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,5 млн тонна.

“Bekobodsement” АЖ мамлакатимиздаги энг кекса цемент заводи ҳисобланади. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида жойлашган. Завод 1926 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,6 млн тонна.

“Хуаксин Жижэ цемент” МЧЖ ҚК Жиззах вилоятининг Фориш туманида жойлашган. Завод 2020 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,66 млн тонна.

“Ohangonsement” АЖ Тошкент вилоятининг Охангарон шаҳрида жойлашган бўлиб, у 1961 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 4,2 млн тонна. Бу ерда М-600

маркадаги цемент ҳам ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

“Qizilqumsement” АЖ Навоий вилоятида 1977 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5,7 млн тонна. Бу ерда ҳам М-600 маркадаги цемент ишлаб чиқарилади.

Шу кунларда “Ўзсанотқурилиш-материаллари” уюшмаси Ахборот хизмати томонидан ижтимоий тармоқда “Қурилишда кўпроқ қайси маҳаллий корхонанинг цемент маҳсулотидан фойдаланасиз?” навзусида сўровнома ўтказилди. Сўровномада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 8 та йирик цемент ишлаб чиқарувчи корхона иштирок этди. Мазкур овоз бериш жараёнида жами 2 896 та одам қатнашди. Икки кун давом этган сўровнома натижасига кўра, “Karakalpak Cement” МЧЖ ҚК 626 та овоз тўплаб ғолиб бўлди. 381 та овозга эга “Ohangonsement” АЖ иккинчи, “Qarshi Conch Cement” ХК эса учинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Вилоятдаги қурилиш ишлари кунлик назоратда

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkoti" мухбири.

Жиззах вилоятида 2023 йилда қурилиш ишлари учун давлат бюджетидан 1, 2 триллион сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар янги бинолар, ижтимоий объектлар қурилиши, электр энергияси, газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмасини яхшилаш каби бунёдкорлик ишларига хизмат қилиши белгиланган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашни назарда тутган Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш лойиҳаси ҳам ана шу маблағ ҳисобидан давом эттирилмоқда.

Лойиҳага махсус техникалар, ишчи-ҳодимлар тўлиқ жалб қилиниб, сув тармоғини тортиш, синаш тадбирлари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Жиззах вилояти прокуратурасида ташкил этилган махсус штабда бу ишларнинг давомийлиги назоратга олинган ва зарур кўмаклар кечиктирилмасдан бериб борилмоқда. Бунинг натижасида Шароф Рашидов туманидаги ўтиб, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод ва Арнасой туманларидаги сув тармоқларини янгилаш, тоза ичимлик сувини аҳоли хонадонларига олиб кириш масалаларига ечим топилмоқда. Мана шу чўл худудларидаги ишлар учун 18 та бригада ташкил этилиб, бир-бири билан узвий алоқада иш юритишмоқда.

Шу билан бирга, йўл инфратузилмасини яхшилаш, ички йўлларни асфальтлаш, маҳаллий кўчаларни бетон қопламаси билан қоплаш борасида ҳам режали ишлар охирига етказилмоқда. Арнасой туманининг "Олтин Водий" МФИда 4 километрдан ошқ, Дўстлик туманининг "Бунёдкор", "Мевазор", "Бозор" МФИларида жами 10 километрга яқин, Зафаробод туманининг Бирлик маҳалласида 3 километрдан ортиқ, Пахтакор туманининг "Сукнобод", "Дўстлик", "Оқбулок" ва "Ғалаба" МФИ-

ларида салкам 8 километр ички йўллар асфальтланиб, ушбу худудларда 10 километрдан ошқ мософада йўлларни тош-шағал ва цемент-бетон қопламаси билан қоплаш ишлари тугатилган. Бу ишлар ҳам режали давом эттирилмоқда.

Жиззах шахрининг "Олмазор" МФИда янгидан бунёд этилаётган мактаб қурилиши ҳам вилоят прокуратурасининг доимий назоратида. Махсус техникалар ва етарлича ишчи кучи билан қурилиш мuddатидан олдин фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ҳақидаги Президент қарори асосида вилоятдаги 184 та объектда 564,9 миллиард сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бундан қуринадими, ушбу рақамлар ҳам, ундан қўтилаётган натижанинг ҳам салмоғи юқори. Барча объектларда ажратилган маблағлар ўз ўрнида сарфланиши, ноқонуний ҳаракатлар, айниқсан, коррупцияга йўл қўймаслик, ҳар бир объектада бажарилмаган ишлар, қурувчи, лойиҳачи ва бюртмачилар фаолияти ташкил этилган штаблар томонидан кунлик назорат йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур масалалар юзасидан муҳокамалар ўтказилиб, масъулларга аниқ топшириқлар берилган.

Шароф Рашидов туманида яна бир мактабгача таълим ташкилоти

Байрам кунларида тумандаги Яккақайроғоч маҳалласида жойлашган "Ислом нури" мактабгача таълим ташкилотининг замонавий усулда бунёд этилган янги биноси фойдаланишга топширилди.

150 ўринга мўлжалланган мазкур боғча икки қаватли, замонавий ва шинам кўринишда. Бу мактабнинг очилиши нафақат болажонларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам қувончига сабаб бўлди. Очилиш маросимидан сўнг, тадбир иштирокчилари муассасада тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.



Шунингдек, мазкур маҳаллада ички йўлларни таъмирлаш бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда. Ҳозирда Тадбиркорлар кўчасида асфальтлаштириш ишлари бошланган.

Бугун нафақат туман марказида, балки чекка қишлоқларда ҳам бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам кўчаларимиз таъмирланишини орзу қилиб келардик. Мана бугун шу орзумиз ушалмоқда.

Қўшқўприкда маҳалланинг янги биноси

Наврўзи айём кунлари Жиззах вилояти бўйлаб бир нечта худудларда ижтимоий соҳа объектлари янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Шароф Рашидов туманидаги Қўшқўприк маҳалласининг янги биноси очилиши байрамга муносиб совға бўлди.

5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Қўшқўприк маҳалласи учун давлат-хусусий шерикчилиги асосида бунёд этилган мазкур бинода маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси, қолаверса, профилактика инспектори учун жами 5 та хона ҳозирланди. Бинонинг очилиш маросимида иштирок этганлар мамлакатимизда маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантириш, уни энг халқчил тузилмага айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

чи ва учинчи қаватларида 200 ўринли ўқув марказининг ташкил этилиши ҳам маҳалла ёшлари учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз. Шу кунги, Қўшқўприк маҳалласида жойлашган тантаналар мажмуасида Мулканик, Тошкентлик, Қўшқўприк, Қатартол ва Бўстон маҳаллаларининг аҳолиси учун Наврўз байрами муносабати билан тадбир ташкил этилди. 500 нафардан зиёд нурунийлар ва фаоллар, хотин қизлар тақлиф этилган тадбирда миллий урф-одат ва аъёнларни ўзида жамлаган чиқишлар намоиши этилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ



Ўроқали ДИЯРОВ, журналист.

Сурхондарё воҳаси узун-узун қақроқ адирлар, тоғолди худудларидаги аҳоли пунктлари билан ажралиб туради. Худудда ичимлик суви муаммоси узоқ йиллар давомида халқнинг орзуси, уларни қийнаб келаётган масала бўлиб келган. Коммунал соҳа ва аҳолининг яшаш тарзини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар ортида сурхондарёликлар ўз орзуларининг рўёбига яқин туришибди.

Аҳолининг асрий орзуси ушалмоқда

Мега лойиҳа фойдаланишга топширилиши билан вилоятнинг 495 та маҳалласи қамраб олинди, 1,7 миллион аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.



"Тупаланг" сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда "Тупаланг" сув омбори худудида сув тақсимлаш, сув тозалаш ҳамда сув қувурлари қуриш ва реконструкция қилиш объекти сўнгги йилларнинг энг йирик коммунал лойиҳаси бўлади. Айтиш керакки, мазкур объект қурилиши ҳамда объектнинг техник иқтисодий ҳисоблари ва лойиҳа-қидирув ишлари учун давлат бюджетидан 20 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида туманлар кесимида 158,16 километр магистраль ва 227,88 километр ички - умумий 386,04 километр ичимлик суви тармоғини қуриш режалаштирилган.

Хусусан, Сарисоёё туманида қуввати кунлик 200 минг м³ бўлган ичимлик суви тозалаш иншооти реконструкцияси, ичимлик суви тозалаш иншоотини тўсиқ билан ўраш ва 9 та туманда жами 10 та ичимлик сув сақлаш ҳамда тақсимлаш иншоотларини қуриш белгиланган.

Объектнинг техник иқтисодий ҳисоблари ва лойиҳа-қидирув ишларини ишлаб чиқиш учун 19 миллиард сўм, объект қурилишига 639,7 миллиард сўм маблағ давлат бюджетидан ажратилган бўлиб, объектга "Тошкент труба заводи" МЧЖ ҚҚ ва Россиянинг "Загор труба заводи" АЖ билан металл қувурлар сотиб олишга шартномалар имзоланган. 2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида 55,3 километр магистраль, 28,2 километр ички тармоқ ичимлик сув тармоқлари тортилди.

Ҳозирда объектнинг том қисмига бетон қуйиш, том қисми стропиллари ва обрешётка ўрнатиш, қолонлар оралиғига гишт териш, 2-қават том қисмига армокаркас тўқиш, 2-қаватга колонна бетон қуйиш, армокаркас тўқиш ва бетон қуйиш, эшик ва ромларни ўрнатиш, ташқи ва ички қум сувоқ, ташқи деворга иссиқлик ва совуқдан сақловчи пенопласт ўрнатиш ҳамда пардозлаш каби ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, генератор ва трансформатор биносига колонна қуйиш, том ёпмасига монолит бетон қуйиш, том қисмида стропиллар ва обрешёткалар ҳамда профнастил ўрнатиш ишлари тўла бажарилган. Назорат пункти (КПД) деворига гишт териш, том ёпмасига бетон қуйиш ҳамда эшик ва дераза ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Қолаверса, 4 500 м³лик сув иншоотида ер текислаш, таг (асос) қисмига темир-бетон қуйиш, деворларга темир-бе-

тон қуйиш, резервуар, контакт хлора қисмининг том қисмида темир-бетон қуйиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. "Зарчоб-3" ГЭСнинг сув олиш иншоотида ер ишлари, армокаркас тўқиш ишлари, темир-бетон қуйиш ишлари, сув ёпиш ва очиш қурилмаларини (электр задвижка) ўрнатиш, чиқиндиларни ушлаб қолиш учун темир панжаралар ўрнатиш, эҳтиёт панжаралари ўрнатиш каби қурилиш ишлари яқинланган.

Денов туманида 161 метрлик дюкер қурилиб, 24,355 километр (Д-1420 ммлик) магистраль қувур тортилди ва ҳозирда траншея қазиш ишлари олиб борилмоқда. 20 000 м³лик резервуар қурилишида тупроқ ишлари бажарилиб, сизот сувларини чиқариш учун дренаж қувурлар ўрнатилди. Сув қочириш, темир-бетон асос ишлари, 10 000 м³лик резервуар девор қисмига ҳам темир-бетон ишлари бажарилди.

Сарисоёё туманидаги 10 000 м³лик ва 1000 м³лик сув сақлаш ва сув тарқатиш (резервуарлари) объектнинг пастки темир-бетон қуйиш, девор қисмига темир-бетон қуйиш, устини ёпиш учун темир-бетон қуйиш, 1000 м³лик резервуарда деворга бетон қуйиш ишлари давом эттирилди. Шу кунга қадар, Сарисоёё туманига тортилган ички сув тармоқлари туман марказининг ички тармоғига уланди. Шўрчи туманидаги 10 000 м³ сув сақлаш ва сув тарқатиш (резервуарлари) объектнинг ер ишлари тўлиқ бажарилган. Шунингдек, асосга армокаркас тўқиш, темир-бетон қуйиш, деворларга темир-бетон қуйиш ишлари амалга оширилди.

Объектнинг қурилиш-монтаж ишлари учун 300 тадан ортиқ машина механизм ва ускуналар ҳамда 700 нафардан ортиқ инженер-техник ҳамда ишчи-ҳодимлар жалб қилинган. Керакли материаллар захираси мавжуд. Мега лойиҳа фойдаланишга топширилиши билан вилоятнинг 495 та маҳалласи қамраб олинди, 1,7 миллион аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Бугун юртимизда инсонни улуғлаш, унинг фаровон ва ўз ҳаётидан рози бўлиб яшати учун йирик реформация жараёнлари илгари сурилмоқда. Миллионлаб инсонлар ҳозирда бу ислохотларнинг меvasини таъбиб, шукроналар айтмоқда. Яқин келажда "Тупаланг" сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси ҳам инсон ва унинг кадри йўлида амалга оширилган энг улкан лойиҳалар қаторига қўшилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Воҳа аҳолисига байрам тухфалари

Шухрат НОРМУРДОВ, "O'zbekiston bunyodkoti" мухбири.

Юртимизга Наврўз кириб келди. Байрам муносабати билан мамлакатимизнинг турли худудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятининг бир қатор туманларида ҳам янги ижтимоий соҳа объектлари қуриб битказилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди.



Сўнгги йилларда юртимизда "Инсон кадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар барча соҳаларни қамраб олди. Миришкор туманида байрам арафасида чегара қисмида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг яшаши учун 20 та хонадондан иборат янги турар жой, уларнинг фарзандларига 30 ўринли мактабгача таълим ташкилоти филиали биноси ва спорт майдончалари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Айём арафасида Нишон туманидаги "Истиқлол" истироҳат боғида иккита янги фаввора ҳамда битта сунъий шаршара қурилиб, ишга туширилди.

Қўшалок байрам тусини олган очилиш маросими, туман аҳлига, хусусан, болажонларга кўтаринки кайфият бағишлади. Ишга туширилган янги

фаввораларнинг узунлиги 25 метр ҳамда эни 5 метрни ташкил қилади. Шунингдек, сунъий шаршаранинг баландлиги 11, узунлиги эса 33 метрдан иборат.

Яккабоғ туманининг "Пахтакор" МФЙ учун Наврўз шодиёналари қўшалок байрамга айланиб кетди. Сабаби маҳалла учун янги бино фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилишига бағишланган тадбирда йиғилганлар барча қўлайликларга эга, кўркем ва замонавий бинода яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, нурунийлар иштирок этиб, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг эртанги кундаги ривожланишининг муҳим босқичи, аввало, маҳалла институтининг фаолиятини янада тақомиллаштириш ва нуфузини оқсальтиришга қаратилганини таъкидлашди.



"Хунарманд" уюшмасининг Шахрисабз тумани бўлими томонидан тумандаги "Абзият" МФЙда кулолчилик марказининг очилиши ҳам тумандаги Наврўз байрами шодиёналарига уланиб кетди.

Марказнинг очилиш маросимида Шахрисабз тумани ҳокимлиги масъуллари, хунармандлар ва нурунийлар иштирок этишди. Кулолчилик марказида хозирги вақтда "Устоз ва шогирд" аънаси

бўйича 6 та устоз ҳамда 6 та шогирд фаолият кўрсатаётган бўлса, ушбу марказ очилиши билан яна 10 та янги иш ўрни яратилди. Эндilikда улар кулолчилик тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқандда йирик халқаро автовокзал бунёд этилмоқда

Самарқанд шаҳрининг Чўпонота тепалиги ҳудудида кунига юздан ортиқ автобус, 200 та микроавтобус ва 300 та энгил автомобиль ҳаракатланадиган халқаро автовокзал қурилмоқда.



А-37 автомагистрالی йўли ёқасида жойлашган мазкур объектнинг умумий майдони 6 гектарни ташкил этади. Мажмуада кутиш зали, касса ва умумий овқатланиш нуқталари, тиббий ёрдам пункти, кўнгилочар масканлар ҳамда бошқа савдо ва маиший хизмат шохобчаларини ўз ичига олган уч қаватли автовокзал, меҳмонхона, автобуслар, микроавтобус ва автомобиллар учун тўхташ

жойлари, йўналишсиз такси зоналари, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш масканлари бунёд этилмоқда.

– Лойиҳанинг умумий қиймати 135 миллиард сўмни ташкил этади, – дейди лойиҳа ташаббускори – “SXF Sampling” МЧЖ иш бошқарувчиси Шохруҳ Рафиев ўзА муҳбири Галиб Ҳасановга. – Ўтган йил бошланган қурилиш ишларини

жорий йилда яқунлаш режалаштирилган. Янги автовокзал Самарқандни Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари билан боғлайди. Шунингдек, Россия, Қозғистон, Тожикистон ва бошқа давлатларга ҳам автобус қатновларини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур объектнинг қурилиши Самарқанд вилояти туманлари ва шаҳарлараро йўналишлардаги транспорт воситаларининг шаҳарга кир-

масдан автовокзалга қатновини таъминлаб, Самарқанд шаҳрида транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, тирбандликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Эътиборлиси, мажмуада 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилади. “SXF Sampling” МЧЖ келгусида Ўзбекистон бўйлаб 12 та автовокзалдан иборат тармоқ қуришни режалаштирган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Байрамга муносиб туҳфа

Орифжон ИСМОИЛОВ, журналист.

Риштон туманида энг илғор технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган хусусий клиникалар сони яна биттага кўпайди. Туманининг Марказ маҳалласида “Шифо Рошидон” қошидаги “Sity med hospital” номли хусусий клиникаси фойдаланишга топширилди.



Жаҳон андозларига мос ушбу 3 қаватли тиббий муассаса – ҳам шифокор, ҳам тадбиркор Маъруфўжа Турсунхўжаев томонидан бунёд этилди. Шифо масканининг умумий лойиҳа қиймати 10 миллиард сўмни ташкил этади. Муассасада беморларга ташхис қўйиш ва даволаш учун малакали врач ва тиббий ходимлари жалб этилган бўлиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Мазкур хусусий клиника аҳолига 10 йўналиш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида 100 нафардан ортиқ бемор ётиб даволаниши учун барча имконият мавжуд. Янги клиниканинг ишга туширилиши натижасида 50 дан ортиқ иш ўрни ҳам яратилди.

Ҳарбий хизматчилар учун уйлар

Фарғона шаҳри “Тарона” кўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйлардан бир қанчаси Миллий гвардия ходимларига ажратилди.

Хонадонлар қалитларини эгаларига топшириш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи Шавкат Акбаров, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Жўраевлар иштирок этишди.

2 та 9 қаватли турар жой биносидан жойлашган 20 та хонадон қалитлари ҳарбий хизматчиларга тантанали равишда топширилди. Меҳмонлар хонадонлар эгалари билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуриб, янги уйлардаги шароитлар билан танишдилар.



Янги мактабгача таълим ташкилоти

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Бешариқ туманининг “Қияли” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 22-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан қуриб битказилди.

1976 йилда барпо этилган ушбу маскан аввал 50 ўринли эди. Ҳозирда 120 ўринга эга ушбу давлат мактабгача таълим ташкилоти 4 356 млрд сўм маблағ эвазига янги қиёфага кирди. Айни кунларда таъ-

лим масканида 120 нафар болажонга 21 нафар педагог ходим ўқув машғулотларини олиб бормоқда. Тарбияланувчилар учун шахмат, инглиз ва рус тили, хореография машғулотлари ҳам ташкил этилган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухорода пиёдалар учун ер ости ўтиш йўли фойдаланишга топширилди

Бухоро шаҳрида узунлиги 32 метр, кенлиги 4,5 метр, баландлиги 2,5 метр бўлган пиёдалар ер ости ўтиш йўли фойдаланишга топширилди.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган “Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши” автомобиль йўлининг 272-километрида тиббиёт шаҳарчаси, “Карвон” буюм бозори ҳамда бош бекатлар борлиги ҳисобидан пиёдалар оқимининг жуда ҳам серқатновлигини, қолверса, аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда пиёдалар ер ости ўтиш йўли барпо этилди.

Қурилиш ишлари “Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонаси томонидан амалга оширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Ботир Зарипов, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Мазкур объект шаҳардаги энг тирбанд йўллардан бири эди, – деди вилоят раҳбари. – Ер ости йўли қурилиши натижасида тирбандлик бартаратилди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиб, пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Фуқароларнинг тақлифларини, марказий кўчалар ва магистрал йўллардаги ҳаракат тезлигини ўрганган ҳолда бошқа худудларнинг серқатнов йўлларида



ҳам шу каби ер ости ўтиш жойларини қуриш режалаштирилган.

– Кўпчиликка яхши маълумки, Бухоро вилояти тупроғининг юқори даражадаги намлиги сабаб шаҳар худудидаги аксарият ер ости йўллари зах сувларига тўлиб, намланиб, чўкиши оқибатида кўмилиб, фаолияти тўхтаб қолган эди, – деди вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мурад Бердиев ўзА муҳбири Зариф Комилговга.

– Автомобиллар сонининг кундан-кун ортиб бораётгани йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун ер ости ўтиш йўлларини тиклаш заруратини туғдирди. Ер ости йўлини қуришда тупроқдаги захлик ва юқори даражадаги намлик таъсирини йўқотишга катта эътибор қаратилди. Бунда синовдан ўтган усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, ер ости йўли қурилиши жараёнида дренаж тармоқлари ўрнатилди.

Иқтидорли спортчилар маскани



Бухоро вилояти спортнинг ўйин турлари ва энгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактабида 1 минг 170 нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Спорт мактаби тасарруфида 3 та спорт иншооти, “Бухоро” спорт мажмуаси, “Хумо” теннисга ихтисослаштирилган спорт мажмуаси ва “Ситора” чим устида хоккей спорт турига ихтисослаштирилган спорт мажмуаси мавжуд. Спорт мактабида 13 та спорт тури бўйича 69 нафар мураббий фаолият юритмоқда. Шунингдек, Бухоро шаҳрида мавжуд 43 та умумтаълим мактабида ўқувчиларини мактаб худудини тарқ этмасдан дарсдан ташқари спортга

қамраб олиш мақсадида спорт мактаби тўғраракли ташкил этилган.

Бугунги кунга қадар спорт мактабида 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 12 нафар спорт устаси ҳамда 89 нафар спорт усталигига номзод этишиб чиққан.

2022 йилда мактаб спортчилари Осиё чемпионати ва кубокларида 13 та ҳамда жаҳон чемпионатларида 15 та медали кўлга киритган бўлиб, шундан 15 тасини олтин медаль ташкил этди.

“Муборакнефтегазмонтаж” АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2023 йил 9 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб “Муборакнефтегазмонтаж” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайон манзилида жойлашган мажлислар залида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2023 йил 4 апрель ҳолати билан тузилган.

КУН ТАРТИБИ:

- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти фаолиятининг 2022 йил натижалари бўйича миллий аудит ва халқаро аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорининг текшируви бўйича аудитор ташкилотини танлаш.
- “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг таркибий тузилмасини иловага асосан янги таҳрирда тасдиқлаш.

4. Кузатув кенгаши аъзоси А. Ҳ. Маҳмудовнинг кузатув кенгаши таркибида фаолият кўрсатишини тўхтайтиш тўғрисидаги аризасининг муҳокамаси.

Акциядорлар умумий йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик вақтида қўйидаги ахборотлар билан танишишлари мумкин:

умумий йиғилишнинг санок комиссияси таркиби ва регламенти;
аудитор хизмати кўрсатиш бўйича ўз тақлифларини берган аудитор корхоналари тўғрисида маълумот;

“Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги таркибий тузилмаси лойиҳаси.

Жамиятнинг электрон почта манзили: mngm07@mail.ru

Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими телефони: 97-229-12-73.

Иштирокчиларни рўйхатга олиш: 2023 йил 9 апрель куни соат 09.00 дан 10.00 гача.

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат бўлиши сўралади.

Кузатув кенгаши.

“Qashqadaryo texnologik transport” АЖ

2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни Аудит миллий стандартлари ҳамда Халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудит текширувидан ўтказиш бўйича

ТАНЛОВ БОШЛАНГАНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда қатнашмоқчи бўлган аудиторлик ташкилотлар 2023 йил 29 мартдан 12 апрелга қадар жамият бошқарув кенгашига ўз тижорат тақлифларини тақдим этишлари лозим.

ҚАТНАШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

аудит ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, почта манзили, телефон алоқа рақами тўғрисидаги маълумотлар;
лицензиялар, раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри, сугурта полиси, давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланган нусхалари;
шартнома предмети, ариза берувчининг юридик шахслар фаолиятининг умумий аудитни ўтказиш таърифи. Устав капиталда давлат улushi 50 фоздан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларининг мажбурий текшируви сонини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат тақлифи;
раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар, жумладан мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳуж-

жатлар, аудиторлик ташкилотидан меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сони;
аудит ташкилоти томонидан аудиторлик хизматларининг нархини кўрсатган ҳолда молиявий ҳисоботларнинг мажбурий аудити тақдим этиш тўғрисида имзоланган шартнома лойиҳаси.

Қатнашчилар юқорида кўрсатилган ҳужжатлар, аризаларни кон-вертда муҳрлаган ҳолда қўйидаги манзилга юборишлари лозим: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-ўй.

Почта индекси: 180100, а/я-17.

СТИР: 201 560 065.

Телефон: 99-545-53-58.

Е-mail: qashqadaryotexttrans@mail.ru, qatt00@mail.ru

Бошқарув кенгаши.

